

БИОЭНЕРГИЯ-М БИОПРЕПАРАТИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ПОМИДОР ХОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

Байрамбай Айдосович Жумашев

Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари институти
ассистенти

Индира Жумамуратовна Абдимухаммедалиева

Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари институти
ассистенти

Азамат Серикбай ўғли Сапарбаев

Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари институти
3-босқич талабаси

АННОТАЦИЯ

Мақолада Қорақалпоғистон шароитида сабзавот экини помидорга Биоэнергия-М биопрепаратынинг таъсирини аниқлаш бўйича илмий фаолиятлар олиб борилган. Бу бўйича аниқ татбиқ технологиясини ва фойдаланиш коэффициентини аниқлаш бўйича илм-фан изланиш ишлари олиб борилган.

Калит сўзлар: қурғоқчилик, совуқ, шўрланиш, нав, ҳосилдорлик, абиотик, сифат.

АБСТРАКТ

In the article, scientific activities were carried out to determine the effect of Bioenergiya-M biopreparation on tomato in the conditions of Karakalpakstan. In this regard, scientific research work was carried out to determine the exact application technology and utilization coefficient.

Keywords: drought, cold, salinity, variety, productivity, abiotic, quality.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 18.05.2020 йилдаги “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони имзоланди. Жаҳон бозорида маҳсулотларга қўйилган сифат ва хавфсизлик талабларининг тобора кучайиб бориши, юртимизда етиштириладиган



маҳсулотларнинг халқаро бозорлардаги ўрнини мустаҳкамлаш учун кўшимча чоралар кўришни талаб қилмоқда. Ўзбекистонда етиштирилаётган помидор таркибидаги қуруқ моддалар миқдори эса 5,5 фоиздан ошади. Бу кўрсаткичлар европалик ишлаб чиқарувчиларнинг шундай маҳсулотларидагидан анча юқори бўлиб, шуниси билан харидорни ўзига тортади. Шу боис органик деҳқончиликга асосланган ҳолда помидорнинг маҳаллий навларини, қурғоқчиликка, иссиқликка ва шўрга чидамлигини ошириш ва агротехникасини ишлаб чиқиш зарур.

Қорақалпоғистон Республикасида қишлоқ хўжалик экинларидан, шунинг ичида сабзавот экинларидан юқори ҳосил етиштириш катта қийинчилик туғдиради, фақатгина тажрибали ва ернинг барча қонуниятларини яхши билган фермер хўжаликлари яхши натижага эришмоқта. Бироқ, кўпчилик фермер хўжаликлари мамлакат томонидан белгиланган режаларини бажара олмаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бунга бир қанча сабабларди, хусусан экинзор ерларнинг шўрланиш даражасини, тупроқ унумдорлиги пастлигини, минерал ўғитларнинг кам ёки ўз вақтида қўлланилмаслиги ерларнинг нотекислигини, табиий унумдорликнинг пастлигини ва бошқа омилларни сабаб қилиб кўрсатиш мумкин.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Экологик тоза маҳсулот етиштириш жаҳоннинг кўпчилик мамлакатларида жуда тез суръатлар билан ривожланмоқда. Статистик маълумотларга қараганда 2000-2010-йиллар давомида дунё юзидан экологик тоза маҳсулот тайёрлаш 3 баробардан ортиқ ривожланди. Аниқроқ қилиб айтиладиган бўлса, 2000 йилда ишлаб чиқарилган экологик тоза маҳсулотлар баҳоси 18 миллиард долларга тенг бўлса, орадан 10 йил ўтиб бу кўрсаткич 60 миллиард долларни ташкил этди. Мутахассисларнинг фикрича, органик маҳсулотларнинг дунё бозоридаги айланмаси 2020-йилда 200-250 миллиард долларга етиши мумкин. Демак, органик деҳқончилик, қишлоқ хўжалиги ер юзидан аграр соҳа келажаги бор йўналиши эканлигини кўрсатмоқда. Бу тармоқ билан дунёнинг 160 давлати шуғулланади ва 84 мамлакатда органик қишлоқ хўжалиги тўғрисидаги ўз қонунлари ишлаб чиқилган [2].

Экологик тоза маҳсулот етиштириш жараёни, айтилишича, қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган технологиялардан кескин фарқ этиши билан фарқ қилади. Органик қишлоқ хўжалигида кимёвий ўғитлар, пестицидлар, антибиотиклар, гормонлар, ген - модификацияланган [ГМО] каби унсурлардан мутлоқ



фойдаланилмайди, аниқроғи уларни бекор қилади ва органик ва биологик ўғитлардан фойдаланилади.

Республикамизда етиштирилаётган маҳсулотлар таркибида инсон организми учун зарарли моддаларнинг кўплаб тўпланишидан қатъий назар минерал ўғитларга талаб йилдан-йилга ортиб бармоқда. Шунинг билан бирга минерал ўғитларни қўлланишда сарфланаётган харажатларнинг юқори бўлишига, ҳосил сифатига таъсир қилади ва тупроқ тузилмасининг бузилишига ҳамда тупроқларнинг шўрланишига олиб келмоқда. Шу сабабли айни вақтда Ҳукуматимиз раҳбари томонидан асосий эътибор тупроқ унумдорлигини кўтариш масаласига қаратилмоқда [1].

Дала тажрибалари 4 қайтариқта, 4,2 м² ҳисоб майдонида ўтказилди. Ўлимий тажрибаларда фенологик кузатишлар, биометрик ўлчамлар олиб борилди, маҳсулотнинг миқдори ва товарбоплиги аниқланди. Лаборатория шароитида 1000 дона уруғ массаси, униб чиқиш энергияси ва кўгарувчанлиги ўрганилди. Қўшимча баргдан Биоэнергия-М биопрепарати билан озиклантиришнинг ҳосилдорликка таъсири қай даражада бўлиши кузатилди. Олинган маълуматларга статистик таҳлил Доспехов [3] методикаси бўйича ўтказилди.

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

Помидорнинг тажриба хўжалигида вегетация даврида ўсиб ривожланишининг турли фазаларида Биоэнергия-М биопрепарати билан баргдан қўшимча озиклантиришнинг ўсимликка таъсири умумий қабул қилинган ва тасдиқланган методик усуллардан фойдаланиб олиб борилди.

Аждодларимиз, шу жумладан деҳқончилик билан шуғулланиб келган ғаллакорлар тупроқ унумдорлигини оширишда, тупроқнинг ҳар қандай қишлоқ хўжалиги экинини озуқа моддалар билан тўлиқ таъминлайдиган даражага олиб келиш имкониятлари мавжудлигини билган. Шу сабабли улар тупроқ унумдорлигини барқарор ошириш чораларини кўрган. Шу билан бирга олимлар тупроқ унумдорлигини кўтаришда ҳар хил ўғитлардан фойдаланиш билан бирга қўшимча баргдан озиклантиришнинг помидорнинг ҳосилдорлигига таъсирини ўрганишга, тупроққа органик ўғитлар билан бирга қўшимча баргдан озиклантирилганда тупроқда қандай ўзгаришлар юз беради, унумдорлигини кўрсатувчи микрофлора активлигини қай даражада ўзгаришини ўрганиш бўйича илмий тажрибаларимизди олиб бордик ва олинган маълуматларни статистик таҳлил ўтказдик [4].

Ҳукуматимиз томонидан қўйилаётган асосий талабларнинг бири, томорқа ер участкаларига эга ҳар битта оила эгаси ўз участкасидан самарали фойдаланиш ва ўз хўжалигини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаши ва ортиғини бозорларга сотиб озиқ-овқат мўлчилигига эришиш ҳисобланади. Ушбу кўз-қарашдан келиб чиқиб, кичик уй олди томорқа участкаларидан помидордан юқори ҳосил олишда баргдан озиқлантириш усулининг таъсирини ўрганиш ва такомиллаштириш орқали сабзаёт экинларидан юқори ҳосил олиш усуларини ўрганиш муҳим.

Тажриба учун помидорнинг Волгоград 5/95 навини вегетация даврида Биоэнергия-М биопрепаратини қўллаш билан қўшимча баргдан озиқлантиришнинг ҳосилдорликка таъсирини ўргандик.

Тажрибада помидорнинг Волгоград 5/95 навини вегетация даврида ҳар хил вақтда ва ҳар хил саналарда баргдан қўшимча озиқлантирганимизда тажриба вариантларига алоқадор ўзгаришга учрашини кўрдик. Тажрибага статистикалик таҳлил қилганимизда фонга солиштирганимизда вегетация даврида 7 мартаба суспензия билан озиқлантирилган вариантта помидор бўйининг баландлиги 75,1 см, барглар ва гулларининг сони 3 ва 5 мартаба озиқлантирилган вариантга нисбатан сезиларли юқори бўлганлигини аниқланди. Бу вариантта фонга нисбатан ўсимлик баландлиги 6,4 см, барглар сони 7 ва гуллар сони 7 га ортиқ бўлганлиги аниқланди.

Жадвал

Ўғит меъёрлари ва баргдан қўшимча озиқлантириш муддатларининг помидорнинг ер устки қатламига мослашувчанлигига таъсири

Экиш муддатлари	Ўсимлик бўйи, см	Битта поядаги барглар сони, дона	Битта поядаги гуллар сони, дона
Органик ўғит 30 тонна/гектар (фон);	68,7	41	18
Органик ўғит 30 тонна/гектар +3 марта суспензия	70,1	43	20
Органик ўғит 30 тонна/гектар +5 марта суспензия	72,3	45	22
Органик ўғит 30 тонна/гектар +7 марта суспензия	75,1	48	25

ХУЛОСА

Тажрибаларимиздан олинган якуний натижаларга кўра, помидорнинг вегетация даврида 7 мартаба суспензия билан



озиқландирилган вариантга помидорнинг бўйи 75,1 см, барглар ва гулларининг сони 3 ва 5 мартаба озиқлантирилган вариантга нисбатан юқорирак бўлганлигини аниқланди. Фонга нисбатан ўсимлик бўйи 6,4 см, барглар сони 7 ва гуллар сони 7 га кўп бўлди.

REFERENCES

1. Ваҳобов А., Тиркашов Л. ва бошқалар. Шахсий томорка участкаларида биогумус. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. №11, 2014. 35-39 б.
2. Долиев Т. Ортга қайтаётган одомзод Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. №11, 2016. 45-49 б.
3. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. М., Агропромиздат, 1985.
4. Ҳазратқулов Ш. Экологик деҳқончилик нима?. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. 2011. №9, 28-29 б.

